

ҚҰШИНЛАРДА ҲАРБИЙ-ТИББИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ ЙҰНАЛИШЛАРИ

Сабиров Д.Р., Халимов Б.Х. Тошкент тиббиёт академияси ҳұзуридаги
Ҳарбий-тиббиёт факультети

Жағонда юз бераётган жанговар ҳаракатлар таҳлили замонавий қуролли түқнашувлар давомида санитар йүқотишиларнинг таркибида ҳаёт учун хавфи яраланишлар улуши күпайиб бораётганлигини күрсатмоқда. Құлланилаётган қуролларнинг нишонга олиш аниқлиги ва талофат етказиш күлами катталиги хамда шахсий таркиб руҳий ҳолатига кучли таъсир этиш самарадорлиги ошиб бормоқда. Жумладан жанговар ҳаракатларда қатнашаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳимоя кийимлари (қорин ва қўқрак соҳасини ҳимоя қиласы) такомиллашган сари жанговар яраланишларнинг аксарият қисми ҳимояланмаган бошнинг юз қисми, бўйин, қўл ва оёқларга тўғри келмоқда.

Ўқотар қуролларидан яраланишларининг соҳалар бўйича учраши, %
ларда¹

| Учраш соҳаси | Иккинчи жаҳон уруши | 1950-1980 йиллардаги локал түқнашувлар | Кореядаги уруш | Вьетнам уруши | Афғонистондаги уруш |
|--------------------|---------------------|--|----------------|---------------|---------------------|
| Бош | 15,7 | 14-20 | 17 | 14 | 14,85 |
| Бўйин | - | 1-1,5 | - | - | 1,65 |
| Умуртқа | - | - | - | - | 0,76 |
| Қўқрак | 11,6 | 7-9 | 7 | 7 | 10,27 |
| Қорин | 5,2 | 6-11 | 7 | 5 | 8,32 |
| Чаноқ (Тос) | - | 3,7-4 | - | - | 3,75 |
| Қўллар | 23,1 | 54-64 | 30 | 18 | 21,36 |
| Оёқлар | 30,2 | - | 37,2 | 36 | 37,71 |
| Кўплаб яраланишлар | 14,2 | - | - | 20 | 16-68 |

Бирламчи тешиб ўтувчи яраларнинг анатомик соҳалар бўйича учраши²

| Урушлар | Бош ва бўйин (%) | Кўқрак қафаси (%) | Қорин (%) | Кўл ва оёқлар (%) | Бошқа соҳалар (%) |
|---------------------|------------------|-------------------|-----------|-------------------|-------------------|
| Биринчи жаҳон уруши | 17 | 4 | 2 | 70 | 7 |
| Иккинчи жаҳон уруши | 4 | 8 | 4 | 75 | 9 |

¹ Тиббий хизмат генерал-майори И.А.Ерюхин, тиббий хизмат полковники В.И. Хрупкин “Опыт медицинского обеспечения войск в Афганистане 1979-1989 гг.” Москва 1997 г.

² АҚШ МВ тиббиёт бошқармаси маълумотлари (Emergency War Surgery 2013).

| | | | | | |
|-----------------|----|---|---|----|---|
| Корея уруши | 17 | 7 | 7 | 67 | 2 |
| Вьетнам уруши | 14 | 7 | 5 | 74 | - |
| Чеченистон | 24 | 9 | 4 | 63 | - |
| Сомали | 20 | 8 | 5 | 65 | 2 |
| Ироқ операцияси | 27 | 5 | 6 | 55 | 7 |

Жанговар ҳаракатлар давомидаги йўқотишларда ўлим сабабларининг таркибий қисми қуиидаги кўринишга эга:

75% – тиббий ёрдам кўрсатилиши билан ҳаётини сақлаб бўлмайдиган яраланишлар (31% марказий нерв системаси жароҳатлари, 25% даволанмайдиган жароҳатлар (юрак, аорта, жигар ва б.), 12% инфекция ва функционал етишмовчилик билан кечадиган шикастланишлар, 7% оғир яраланишлар (парчалаб ташланган) шикастланишлар);

25% – тиббий ёрдам кўрсатиш эвазига ҳаётни сақлаб қолса бўладиган яраланишлар (10% даволанадиган жароҳатлар-тезкор эвакуация қилиш талаб этилади, 15% жгут қўйиш, кўкрак қафаси декомпрессияси ва нафас йўллари ўтказувчанлигини тиклаш талаб этиладиган шикастланишлар (9%-қўл ва оёқларга жгут қўйиш талаб этадиган қон кетишлар, 3-4% тарангалашган пневмоторакс, 2% нафас йўллари ўтказувчанлигининг бузилиши))

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики ўлим билан тугаган яраланишларнинг биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш орқали ҳарбий хизматчининг ҳаётини сақлаб қолса бўлади.

Ушбу маълумотларга асосланиб ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий-тиббий тайёргарлик машғулотлари давомида ўрганадиган биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш амалларини ўзлаштиришлари ва уларни амалда қўллай олиш қобилиятлари жанговар вазифа бажарилишининг асосий омилларидан бири эканлигини айтиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари жанговар ҳаракатлар майдонида яраланганд ҳарбий хизматчига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилишининг кафолатланиши (биринчи тиббий ёрдам кўрсатилишида тиббиёт ходими ҳамма вақт ҳам иштирок этолмайди) ҳарбий хизматчиларнинг руҳий ҳолатига ижобий таъсир этишига, тушкунликка тушиб қолишини олдини олишга ва ғалабага бўлган ишончини янада оширишга хизмат қиласи.

Ҳарбий-тиббий тайёргарлик машғулотлари барча давлатлар Қуролли Кучлари ўз дастурига асосан олиб боришига қарамасдан, уларнинг барчаси бир мақсадга йўналтирилгантир. НАТО қўшинларида ҳарбий хизматчиларга жанг майдонида биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўргатиш мақсадида жанговар операциялардан олдин махсус ўқув марказларида 2-4 ҳафталик тайёрлов курсларида амалга оширилади.

Қўшинларимизда ҳарбий-тиббий тайёргарлик жанговар тайёргарлик дастурига киритилган бўлиб, қўшин турига қараб белгиланган соатларда машғулотлар ташкиллатириб ўtkaziladi. Ушбу тайёргарликларда маълум

бир тизим асосида яратилган дастурга амал қилиниб, қуйидаги бир-бирини тұлдириб боруви асосий йұналишларда олиб борилади:

1-йұналиш. Одам организмини үрганиш. Бунда үрганувчилар одам организмнинг умумий тузилиши, организм аъзолари, органлар тизимлари анатомияси, орган ва системаларнинг физиологияси бўйича билимларини бойитадилар.

2-йұналиш. Патологиялар тўғрисида тушунчалар. Одам организми фаолиятининг касалликлар ва жароҳатланишларида ўзгариши, сабаблари ва асоратларини үрганиш, касалликлар келиб чиқиш шароитлари, сабаблари ва уларнинг олдини олиш йўллари билиш.

3-йұналиш. Жанговар патологияларни үрганиш. Бунда асосий мақсад жанговар ҳаракатлар давомида учрайдиган яраланишлар ва шикастланишларни ўргатиши ҳамда уларнинг келиб чиқиш механизмини үрганиш ҳисобланади.

4-йұналиш. Тиббий ёрдам кўрсатиш ва унинг аҳамияти йұналиши. Бу йұналишда үрганувчилар организмнинг турли хил (жанговар ва жанговар бўлмаган) патологияларида ҳаётни сақлаб қолиш ва асоратларни олдини олишга қаратилган тадбирлар бўйича билим ва малакаларни эгаллайдилар. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усууларини амалда қўллаб билиш, тиббий ёрдам кўрсатишдаги барча ҳаракатларни автоматизм равища бажариб билиш асосий мезон ҳисобланади.

5-йұналиш. Руҳий тайёргарлик йұналиши. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, яраланиш ва жароҳатланиш билан ҳаётда дуч келиш ҳар қандай одамга ҳам кучли руҳий таъсир ўтказади. Асосий вазифа жанговар вазиятда, вақт тифизлиги ва ҳаётга хавф туғдирувчи омилларнинг нақдлиги шароитида кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг маънан ва мазмунан тўлиқ бўлишига қаратилади. Бунда ҳарбий хизматчиларнинг одатий бўлмаган шароитга (массив қон кетиш ҳолатлари, ярадорнинг руҳий қўғалиш ҳолати, ички аъзоларнинг кўриниб туриши) тушиб қолиши ва уни биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга руҳан тайёrlаш долзарб муаммо ҳисобланади.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетида чет эл қуролли кучларининг жанговар ҳаракатлари давомида тиббий таъминотни ташкиллаштириш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини үрганиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Изланишлар натижасига кўра замонавий жанговар ҳаракатлар давомида ҳарбий хизматчилар томонидан ўз-ўзига ва ўзаро тартибда кўрсатиладиган биринчи тиббий ёрдамнинг сифати ва муддатини янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан эканлигига амин бўлинди. Шунга кўра, ҳарбий хизматчилар билан ўтказиладиган ҳарбий-тиббий тайёргарлик ишларини янада такомиллаштириш тадбирларини кўриб чиқиш долзарб йұналиш ҳисобланади.

Кўшинларда ҳарбий-тиббий тайёргарлик тизимда қуйидаги йұналишлардаги такомиллаштириш ишлари ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу жараён ҳарбий хизматчиларнинг биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш

амалларини ўзлаштириш ва уни қўллашга тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи:

босқичма – босқич ўзлаштириш тартиби. Бунда одам организмини ўрганиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш амалларини оддийдан мураккабга қараб ўрганиш, ҳар бир босқичдаги билим ва малакаларни 100% га ўзлаштирилишини таъминлаш;

ҳарбий хизматчиларнинг жанговар вазиятдаги одатдан ташқари ҳолатларда ҳаракат қилиш кўнималарига эга бўлишини таъминлаш мақсадида ҳарбий-тиббий тайёргарлик машғулотларини жанговар вазиятларига яқин шароитларда ташкиллаштириб ўтказиш;

ҳарбий-тиббий тайёргарлиқда ўргатиладиган биринчи тиббий ёрдам усулларни ўзлаштиришни, айниқса, бўлинмалар тиббиёт ходимлари (фельдшер, санитар йўриқчилар) тайёргарлигини янада такомиллаштириш мақсадида уларнинг тайёргарлигини жиҳозланган симуляция марказида ташкиллаштириш;

жойларда ўтказиладиган ҳарбий-тиббий тайёргарлик машғулотларининг сифат ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш курслари дастурларига педагогик йўналишлари бўйича мавзулар киритиш.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жанг майдонида яраланган ҳарбий хизматчиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш нафақат жанговар вазиятга, балки ҳар бир ҳарбий хизматчининг биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш амалларини қўллаб билиш кўнималарига, уларнинг жанговар вазиятларга руҳий тайёргарлигига ва кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг вақтига боғлиқ. Ҳарбий хизматчиларнинг биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича керакли даражада амалий кўнималарга эга бўлишлари қўшинларда ўтказилаётган ҳарбий-тиббий тайёргарликнинг сифатига, машғулотларнинг ўқув-моддий таъминланганлик даражасига ва машғулот раҳбарининг педагогик қобилияtlарига узвий боғлиқдир.

Адабиётлар:

1. «Информационный бюллетень № 3 АВС РУ» 132-142 бетлар.
2. АҚШ МВ тиббиёт бошқармаси маълумотлари (Emergency War Surgery 2013).
3. И.А.Ерюхин, В.И. Хрупкин “Опыт медицинского обеспечения войск в Афганистане 1979-1989 гг.” Москва 1997 г.